

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2023 йил “29” сентябр да
93 - рақам билан
рўйхатга олинди

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарув
раисининг биринчи ўринбосари



Н.Н.Сайдуллаев

**“БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
УСТАВИ**

Банк акциядорлари навбатдан
ташқари Умумий йиғилишининг
2023 йил “ 28 ” сентябрдаги
54-сонли қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

Умумий йиғилиш раиси

У.М.Охунжонов

Тошкент ш.
2023 йил

“Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки УСТАВИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг (кейинги ўринларда Банк деб аталади) фаолият юритиш тартибини белгилайди.

2. Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сон қарорига асосан “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки негизида қайта ташкил этилган.

Банк мулкӣ, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Банк акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади. Юридик ва жисмоний шахслар Банкнинг акциядорлари бўлиши мумкин.

4. Банк юридик шахс ҳисобланиб, мустақил балансда ҳисобга олинган ўз мол-мулкига эга, ўз фаолиятини банк уставига мувофиқ, хўжалик ҳисобидан ўзини-ўзи молиялаштириш ҳамда қонунда белгиланган тартибда жалб қилинган маблағлар асосида амалга оширади. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан қонунда белгиланган тартибда мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади, уларни амалга оширади, мажбуриятларга эга бўлади ва уларни бажаради, судларда даъвогар ва жавобгар бўла олади.

5. Банк ўзининг фирма номи, давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади. Муҳрда бир вақтнинг ўзида Банкнинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин. Банк ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Банкнинг манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 18 А уй.

Банкнинг электрон почта манзили: headoffice@brb.uz.

Банкнинг расмий веб-сайти: <http://www.brb.uz>.

Банкнинг фирма номи:

- давлат тили кирилл алифбосида: тўлиқ - “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки, қисқартирилгани - “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ёки “БРБ” АТБ;

- давлат тили лотин алифбосида: тўлиқ - “Biznesni rivojlantirish banki” aksiyadorlik tijorat banki, қисқартирилгани - “Biznesni rivojlantirish banki” АТБ ёки “BRB” АТБ;

- рус тилида: тўлиқ - Акционерный коммерческий банк “Банк развития бизнеса”, қисқартирилгани - АКБ “Банк развития бизнеса” ёки АКБ “БРБ”;

- - инглиз тилида: тўлиқ - Joint-Stock Commercial Bank “Business Development Bank”, қисқартирилгани - JSCB “Business Development Bank” ёки JSCB “BDB”.

6. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияга мувофиқ тижорат асосида чекланмаган муддатда амалга оширади.

7. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек, мазкур Уставга амал қилади.

8. Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан банкнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.

9. Банкнинг ҳудудий таркибий тузилмалари бўлган филиал ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, ўз фаолиятини банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Низомлар асосида амалга оширадilar. Филиал ва ваколатхоналар раҳбарларининг ваколатлари Низомларда ва Банк бошқарув раиси томонидан бериладиган ишончномада белгилаб қўйилади.

II-БОБ. БАНКНИНГ БОШ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

10. Банкнинг бош мақсади кичик бизнес йўналишидаги, шу жумладан маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида энергия тежамкор технологияларни жорий этиш лойиҳаларини молиялаштириш ва уларга комплекс хизматлар кўрсатиш ҳисобланади.

11. Банкнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- “Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси” МЧЖ (кейинги ўринларда - Жамғарма) ва “Кичик бизнесга қўмаклашиш маркази” МЧЖларнинг (кейинги ўринларда - Марказлар) фаолиятини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва уларнинг харажатларини қоплаш чораларини кўриш;

- кичик тадбиркорлик субъектларини ўрганишдан бошлаб молиялаштириш ва ишлаб чиқаришни барқарор йўлга қўйгунга қадар бўлган жараёнда моддий ва техник қўллаб-қувватлашни амалга ошириш;

- ижобий кредит тарихига эга кичик тадбиркорлик субъектларига соддалаштирилган кредитлаш тизимини жорий қилиш;

- “бизнес ипотекаси” амалиётини жорий қилиш ва ҳудудларнинг мастер-режасини ишлаб чиқиб, коммуникация ва инфратузилмага уланган объектларни ипотекага бериш;

- бизнес режа, молиявий ҳисоботлар, экспорт-импорт амалиётлари, мулкларни баҳолаш, суғурталаш ва нотариал хизматлардан фойдаланиш ҳамда ҳужжатларни расмийлаштиришда тадбиркорларга амалий ёрдам бериш ва бепул юридик хизматлар ташкил қилиш;

- тадбиркорларга бозор конъюнктураси ва бизнесни ташкил қилиш масалаларида узлуксиз ишловчи банк ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи “Бизнес 24/7” – “ягона дарча” тизимини яратиш ҳамда фаолиятини таъминлаш;

- универсал тижорат банки сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонунчиликда белгиланган тартибдаги бошқа комплекс банк хизматларини кўрсатиш.

III-БОБ. БАНКНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

12. Банк амалдаги қонунчиликка мувофиқ қуйидаги операцияларни амалга оширади:

- пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;

- тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

- кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

- чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;

- жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

- инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

- учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

- учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

- қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

- аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

- қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

- ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

- ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

- лизинг бериш;

- қонунчиликда назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

- молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

- активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

- электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

- банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. Банк ўз операцияларини амалга ошириш ва пул маблағларини сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида, резидент ва норезидент

банкларда қонунчиликда белгиланган тартибда вакиллик ҳисобварақларини очади.

IV БОБ. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

14. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида Ўзбекистон Республикаси ва тегишли хорижий давлатнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотларида мустақил равишда ёки юридик ва жисмоний шахслар билан биргаликда иштирок этиш;

- Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасида филиаллар ташкил этиш, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиш;

- агар қонунчилик талабларига зид келмаса, ўзининг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузиш;

- кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари, банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдорини белгилаш;

- шартнома асосида депозитлар ва кредитлар шаклида бошқа банкларнинг маблағларини жалб этиш ва маблағларни бошқа банкларда жойлаштириш;

- ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва корреспондентлик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондлар ташкил этиш;

- қонунчиликка мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

- молия ва хўжалик органларида корхоналар ва ташкилотлар манфаатларини, уларнинг ишончномалари асосида ифодалаш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш;

- Марказий банкнинг рухсатномаси олинганидан кейин хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ аутсорсингга топшириш;

- лицензияда ва ушбу Уставда назарда тутилган, ўз молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хатти-ҳаракатлар ва операцияларни амалга ошириш.

15. Банк қуйидагиларга мажбурдир:

- Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захиралаш талабларини бажариш ва пруденциал нормативларга риоя этиш;

- кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимол тутилган зарарларни коплаш учун Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда заҳиралар ташкил этиш;

- гаровнинг (шу жумладан, мол-мулк шаклидаги гаровнинг), бериладиган кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга оладиган бериладиган кредитлар таъминланишининг ички норматив тартибини белгилаш;

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этиш;

- банкда ички аудит хизмати мавжуд бўлишини таъминлаш;

- қонунчиликка мувофиқ, банк сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш.

Банк жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши шарт.

Банк ўзига юкланган вазифа ва функцияларни самарали бажариш учун жавоб беради.

V БОБ. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ, МАБЛАҒЛАРИ, МОЛ-МУЛКИ ВА КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ.

16. Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

банк акцияларини банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқларини (талабларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;

қимматли қоғозларни банк акцияларига айирбошлаш;

банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Банкнинг устав капитали 1.855.180.101.897,00 (бир триллион саккиз юз эллик беш миллиард бир юз саксон миллион бир юз бир минг саккиз юз тўқсон етти) сўмни ташкил қилади.

17. Банкнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

Банк томонидан қўшимча акцияларни чиқариш орқали устав капиталини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки банкнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Банк уставига кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

Банк устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

18. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Банк устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори банк устав капиталининг банк уставига тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

Банкнинг устав капиталини камайтириш ва Банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

Банк ўз акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк томонидан сотиб олинadиган ўз акцияларининг суммаси банк устав капиталининг ўн фоизидан ошиши мумкин эмас.

19. Банкда устав капиталининг йигирма фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади. Банк захира фонди тўлиқ шакллантирилгунига қадар ҳар йили соф фойдадан ўн фоиздан кам бўлмаган миқдордаги ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Банкнинг захира фонди Банкнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Банкнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

Банкда бошқа фондлар ҳам ташкил қилиниши мумкин. Банк фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомлар банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

20. Банкнинг ўз маблағлари:

- устав капиталидан;
- захира фондидан;
- тақсимланмаган фойдадан;
- қўшимча капиталдан;
- банкнинг кузатув кенгаши қарорига кўра шакллантириладиган бошқа фондлардан ҳосил бўлади.

21. Банкнинг мол-мулки ўзига тегишли бўлган пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа бойликлардан иборат бўлади.

22. Банкнинг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- устав капитали, Банкнинг фондлари ва ўз маблағлари;
- банк миждозлари ҳисоб рақамида бўш турган пул маблағлари, шу жумладан омонатлар (депозитлар);
- бошқа фонд ва банкларнинг, шу жумладан хорижий, халқаро молия институтлари, хорижий мамлакатлар кредит ва қарзлари;
- имзоланган шартнома ва келишувларга мувофиқ жалб қилинган ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар маблағлари;
- қимматли қоғозлар чиқариш натижасида олинган маблағлар;
- муддатли ва талаб қилиб олингунгача жалб қилинган фуқаролар омонатлари;
- қонунчиликда тақиқланмаган бошқа жалб қилинган маблағлар.

Банкнинг тақсимланмаган фойдаси кредитлаш ресурси сифатида ишлатилиши мумкин.

VI БОБ. БАНК АКЦИЯЛАРИ, АКЦИЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

23. Банкнинг барча акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз ҳисобланади. Банк оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Банк устав капиталининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги керак.

24. Банкнинг жойлаштирилган акциялари сони 15.557.065.844 (ўн беш миллиард беш юз эллик етти миллион олтмиш беш минг саккиз юз қирқ тўрт) дона бўлиб, шундан:

эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз акциялар сони 15.548.065.844 (ўн беш миллиард беш юз қирқ саккиз миллион олтмиш беш минг саккиз юз қирқ тўрт) дона;

эгасининг номи ёзилган, имтиёзли, ҳужжатсиз акциялар сони 9.000.000 (тўққиз миллион) дона.

25. Бир дона акциянинг номинал қиймати 119,25 (бир юз ўн тўққиз сўм 25 тийин) сўм.

26. Банк жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган оддий акцияларнинг сони 10.000.000.000,0 (Ўн миллиард) донани ва номинал қиймати 119,25 (бир юз ўн тўққиз сўм 25 тийин) сўмни ташкил қилади. Ушбу эълон қилинган акциялар банкнинг кузатув кенгаши томонидан очиқ ва ёпиқ тартибда жойлаштирилади.

27. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ҳақли.

Акцияларнинг очиқ обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли.

Банк томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қўшимча акцияларни жойлаштириш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

28. Банкнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни

жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

29. Банкнинг акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- банк акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- банк тугатилган тақдирда, ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
- банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- қўшимча акциялар чиқарилган тақдирда акциядорлар устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш.

Банкнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор):

- банкнинг кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва унинг қун тартиби юзасидан таклиф киритиш;
- банкнинг молия йили тугаганидан кейин 1 мартдан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қун тартиби, фойдани тақсимлаш ҳамда банкнинг кузатув кенгашига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар (акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

Акциядорлар қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Банкда барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабат таъминланади.

30. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир.

Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда қўриш-кўрмаслигидан қатъи назар акциялар номинал қийматининг йигирма беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Бунда, имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар умумий йиғилишда мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Имтиёзли акция эгалари ҳисобланган акциядорлар имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар миқдорини ошириш ёки камайтириш масалаларида ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

Банк тугатилган тақдирда ҳар бир турдаги имтиёзли акциялар бўйича тугатиш қиймати акциялар номинал қийматининг 100 (бир юз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

31. Банк қонунчиликда назарда тутилган тартибда корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ташқарисида чиқариши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

VII БОБ. БАНК ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ

32. Банкнинг соф фойдаси банк тасарруфида қолади ҳамда банкнинг қўзғатув кенгаши тавсиясига биноан акциядорлар умумий йиғилишининг қарори

асосида банкнинг захира фонди ва бошқа фондларини шакллантиришга йўналтирилади, акциядорлар ўртасида дивидендлар шаклида тақсимланади, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

тўловга қобилиятсизлик бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида тўловга қобилиятсизликнинг аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

Банклар қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

ушбу модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда; жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

VIII БОБ. БАНКНИ БОШҚАРИШ

33. Қуйидагилар банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- банкнинг кузатув кенгаши;
- банк бошқаруви.

34. Акциядорларнинг умумий йиғилиши банкнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

35. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- банкни қайта ташкил этиш;
- банкни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- банк кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- банкнинг устав капиталини кўпайтириш;

- банкнинг устав капиталини камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, банк бошқарувини тузиш, банк бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- банкнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- банкнинг кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан банкнинг кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

- банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошладиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

- Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги, Банкнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги, Банк бошқаруви тўғрисидаги, Ички назорат тўғрисидаги ва Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги ҳизмларни тасдиқлаш;

- банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

- қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санада банк соф активлари миқдорининг 50 фоизидан кўпрогини ташқил қиладиган мол-мулкни

сотиб олиш ёки бегоналаштириш билан боғлиқ йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган санада банк соф активлари миқдорининг 15 фоизидан 50 фоизигачасини ташкил қиладиган мол-мулкни сотиб олиш ёки бегоналаштириш билан боғлиқ йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, агар бундай битимни амалга ошириш масаласи юзасидан банкнинг кузатув кенгашида яқдилликка эришилмаган бўлса;

- қонунчиликка мувофиқ банк билан алоқадор бўлган (аффилланган) шахслар билан содир этилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

- бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг банк ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш учун ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонунчиликка ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

36. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар банкнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек банк уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

- банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- банк бошқарувини тузиш, банк бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

37. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар банк бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

38. Акциядорларнинг умумий йиғилиши йиллик ва навбатдан ташқари тартибда ўтказилиши мумкин. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банкнинг кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, банк бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек, банкнинг йиллик ҳисоботи, банк бошқаруви ва кузатув кенгашининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, унинг ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш тартиби, уни ўтказишга тайёрланишда акциядорларга бериладиган материаллар (ахборот) рўйхати банкнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши банкнинг кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалаларни кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати банк акциядорлари реестрининг банкнинг кузатув кенгаши белгилайдиган санага доир маълумотлар асосида тузилади.

39. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот

воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

40. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

41. Акциядорларнинг умумий йиғилишини банкнинг кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, банкнинг кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

42. Акциядорлар умумий йиғилиши Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида Низомга мувофиқ ўтказилади.

43. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун банкнинг кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилади ҳамда унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

44. Банкнинг кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

Банкнинг кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

45. Банкнинг кузатув кенгаши ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида банк бошқаруви ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- банк уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш (ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш) тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- банк бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) белгиланган тартибда, шу жумладан танлов асосида тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- банк бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва банкнинг кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни бошқарувдан олиш. Банкнинг кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- банкнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш;
- “Ахборот сиёсати тўғрисида низом”ни тасдиқлаш;
- корпоратив маслаҳатчининг банк фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш юзасидан амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини эшитиб бориш;

- банк мансабдор шахсларининг бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишига рухсат бериш;

- стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

- активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

- банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

- банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

- банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

- банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

- банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

- банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

- бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

- йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

- банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш.

Акциядорлар умумий йиғилиши ваколат доирасидаги қуйидаги масалалар ҳам банк кенгашининг ваколат доирасига киритилади:

- банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

- банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- банк бошқарувини тузиш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- банкнинг кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонун ва банк уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Банкнинг кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

46. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқи банкнинг кузатув кенгашига фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонунчиликда белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда берилади.

47. Қуйидагилар банкнинг кузатув кенгашининг вазифалари ҳисобланади:

- ўз ваколатларини банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

- банкка ўз ваколатларига мос равишда раҳбарлик қилишни таъминлаш;

- банк фаолияти, кредитлар бериш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги устидан жорий назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида);

- банкда замонавий корпоратив бошқарувни шакллантириш ва банк ижро этувчи органининг самарали фаолиятини таъминлаш;

- банкнинг мақбул даражада капиталлашувини, ликвидлигини унга юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва мажбуриятларининг ўз вақтида амалга оширилиши учун етарли даражада сақлаб туриш;

- универсал тижорат банки сифатида банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга комплекс хизматлар кўрсатилиши учун шарт-шароитлар яратиш;

- республикада фаолият кўрсатаётган банк-молия инфратузилмасини фаоллаштириш ва кенгайтириш.

48. Банк кузатув кенгаши аъзолари 9 (тўққиз) кишидан иборат таркибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

Банк бошқаруви аъзолари ва раиси, бош банк ва филиалларда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қуйидаги ҳолларда шахс кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

Банкнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банкнинг кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Банкнинг кузатув кенгаши раиси Банкнинг кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан аъзолар томонидан сайланади.

49. Банк кузатув кенгаши таркибига камида икки нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар Банк кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

50. Банкнинг кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш, овоз бериш ва қарорлар қабул қилиш тартиби Банкнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Банкнинг кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банкнинг кузатув кенгаши мажлисида масалаларни ҳал қилишда банкнинг кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга

бўлади. Банкнинг кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум банкнинг кузатув кенгаши аъзоларининг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Овоз бериш ҳуқуқи банкнинг кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан банкнинг кузатув кенгашининг бошқа аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

51. Банк бошқаруви банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

Банк бошқаруви 9 нафар аъзодан иборат бўлиб, раисдан ташқари, 8 нафар бошқарув аъзолари бошқарув раиси тақдимномаси асосида банк кенгаши қарори билан тайинланади.

Банк бошқарувининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Банк бошқаруви тўғрисида Низомда белгилаб қўйилади.

52. Банк бошқаруви:

- Банк марказий аппарати бўлинмалари раҳбарлари ва филиаллари раҳбарларининг банк фаолиятининг аниқ йўналишлари бўйича тегишли даврлар ва ишлар учун фаолият якунлари тўғрисидаги, шунингдек улар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш натижалари бўйича ҳисоботларини кўриб чиқади;

- Банк бўлинмалари иш амалиётига энг илғор банк технологиялари, банк ишларини комплекс автоматлаштириш лойиҳалари жорий этилишини ташкил этади, замонавий банк инфратузилмаси яратилишини таъминлайди;

- Банкнинг филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари тармоғини такомиллаштириш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этади ва амалга оширади;

- банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича фоиз ставкаларини ва воситачилик ҳақи миқдорини ишлаб чиқади;

- зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида банк активларининг диверсификацияланишини амалга оширади;

- Банк томонидан Марказий банк белгиланган пруденциал нормативларга, Марказий банкда мажбурий захираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлайди;

- банкнинг капитали ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, шубҳали ва бекор турган активларга қарши уларни классификация қилиш асосида захиралар яратилишини таъминлайди;

- қонунчиликда белгиланган тартибга ва халқаро стандартларга мувофиқ Банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этади;

- банкнинг марказий аппарати бўлинмалари раҳбарлари ва филиаллари бошқарувчиларини лавозимга тайинлайди ва эгаллаб турган лавозимидан озод этади, кадрлар таркиби тайёрланишини ва қайта тайёрланишини таъминлайди,

энг ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш, шунингдек зарурият бўлганда, ходимларга нисбатан интизомий жазолар қўллаш ва улардан интизомий жазоларни олиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилади;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва банкнинг кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади;

- банкнинг кузатув кенгашининг биринчи талаби бўйича молиявий ҳисоботни ва банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этади;

- банкнинг кузатув кенгаши олдида банк фаолиятининг молиявий натижалари учун белгиланган тартибда ҳисобот беради;

- банкнинг кузатув кенгашида кўриб чиқиш учун банкни ривожлантириш стратегияси, банкнинг кузатув кенгаши ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади;

- банк бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назорат қилади;

- банкнинг жорий фаолияти масалаларини тартибга соладиган ички ҳужжатларни тасдиқлайди, тасдиқланиши акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банкнинг кузатув кенгаши ваколатига тегишли бўлган ички ҳужжатлар, бундан мустасно;

- банкнинг ташкилий-бошқарув тузилмаси асосида ходимлар сонини (штатини) тасдиқлайди;

- ишчи органларни (қўмиталарни) тузади, уларнинг ваколатларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- филиал, шўъба корхона, ваколатхоналар раҳбарларини тайинлаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади ва уларни тайинлаш юзасидан бошқарув раиси ваколатларини белгилайди;

- банкнинг кузатув кенгаши билан келишган ҳолда ўз ваколати доирасида мол-мулк сотиб олиш ва уни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган йирик битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада банк соф активларининг 15 фоизи ва ундан кўпроғини ташкил қиладиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир нечта битимлар), шу жумладан корхоналарга кредитлар бериш тўғрисида битимлар тузади;

- ҳар йили Банкнинг кредит режасини шакллантиришда молиялаштириш мўлжалланаётган инвестиция лойиҳаларининг пухта танлаб олиншини, самарадорлиги комплекс баҳоланишини ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

- амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ўзини-ўзи қоплаши, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши устидан тизимли

мониторинг олиб боради ҳамда натижалари тўғрисида ҳар чоракда банкнинг кузатув кенгашига ахборот беради;

- банк фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади ва ҳал этади.

Банк бошқаруви:

- стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириши;

- банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

- банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

- банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва кузатув кенгашига бажарилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этиши;

- банк уставида ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

Банк бошқаруви банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва кузатув кенгашига ҳисобдордир.

53. Банк бошқаруви мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда ўзга ҳол кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда мавжуд бўлганларнинг кўпчилик, яъни камида учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади. Банк бошқаруви мажлисида масалаларни ҳал қилишда банк бошқарувининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Банк бошқаруви мажлисини ўтказиш учун кворум банк бошқаруви аъзоларининг ярмидан кам бўлмаслиги лозим.

54. Бошқарув раиси малакали мутахассислар, шу жумладан хорижий экспертлар иштирок этадиган танлов асосида танлаб олинади ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Банк бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни кўрсатиш ва уларни эгаллаб турган лавозимидан муддатидан олдин озод этиш масаласи амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини банк номидан банкнинг кузатув кенгаши раиси имзолайди, бошқарув раисининг ўринбосарлари, бошқарув аъзолари ва бош бухгалтери билан меҳнат шартномаларини банк бошқаруви раиси имзолайди.

Банкнинг филиаллари раҳбарлари банк бошқаруви раиси томонидан тайинланади. Бошқарув раиси банк номидан банк филиаллари раҳбарлари билан меҳнат шартномалари тузади.

Банк ходимлари мазкур Уставга ва қонунчиликка мувофиқ тегишли равишда бошқаруви раиси ёки у ваколат берган ҳудудий таркибий тузилма раҳбарлари билан меҳнат шартномаси тузадилар.

55. Банк бошқаруви раиси:

Банк фаолияти масалаларини ҳал қилади, мазкур Уставга кўра акциядорлар умумий йиғилиши, банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви ваколатига тегишли масалалар бундан мустасно;

ишончномасиз банк номидан фаолият юритади, барча республика ташкилотлари ва органларида банк манфаатларини ифодалайди;

шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади;

ишончномалар беради;

маблағларни, шу жумладан хайрия мақсадлари учун тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, хизмат сафари, вакиллик ва банкнинг кузатув кенгаши аъзолари ва ходимларнинг бошқа харажатлари меъёрларини белгилайди;

меҳнат ҳақини, банк ходимларининг бошқа даромадларини тўлаш шакли ва миқдорларини мустақил белгилайди;

ходимларни, таркибий бўлинмалардаги ходимларни мукофотлаш, банк ходимларининг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

банкнинг барча ходимлари учун бажариш шарт бўлган буйруқлар чиқаради ва фармойишлар беради;

банк хизматлари кўрсатиш маркази, мини-банкларни ташкил қилиш, шу жумладан уларни самарасиз фаолияти натижалари бўйича тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Банк фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

56. Банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим. Улар ўз ишларининг натижалари учун қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари бенуқсон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Банк банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

Марказий банк банк кузатув кенгашининг ва бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади. Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, банк кейинчалик розилик олиш учун сўровнома юбориши керак.

Банк бошқаруви аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари иш берувчининг розилиги билан бошқа ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаши мумкин, бундан уларнинг бошқа банклар ва ташкилотларда ишга жойлашуви манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Банк кузатув кенгашининг ва бошқарувининг аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларни баҳолаш шартлари, баҳолаш учун зарур ҳужжатлар, малака талабларига мувофиқлик мезонлари, шунингдек уларни келишиб олиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

57. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан 3 кишидан иборат таркибда миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар банкнинг кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва банкнинг кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида банкнинг кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

58. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига бошқарув раиси ва аъзолари, шунингдек банкнинг кузатув кенгашига сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

59. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки банкнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

60. Миноритар акциядорлар кўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар кўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

Миноритар акциядорларнинг кўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси ушбу кўмита таркибидан миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича банкнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

61. Миноритар акциядорлар кўмитаси банкнинг хўжалик фаолиятига, ўз навбатида банкнинг кузатув кенгаши ёки банк бошқаруви миноритар акциядорлар кўмитаси фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

62. Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан банкнинг бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

IX БОБ. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

63. Банклар бухгалтерия ҳисобини Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида ишлаб чиқилган ички ҳисоб-китоб сиёсати мувофиқ ташкил этади ва юритади ҳамда давлат бошқарувининг тегишли органларига молиявий ҳисоботни ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳисоботларни тақдим этади.

Банк ахборотнинг мажбурий ошкор этилишини қонунчиликда белгиланган ҳажмда, муддатларда ва тартибда амалга оширади, шунингдек ўзи томонидан эмиссия қилинадиган қимматли қоғозларга тегишли бўлган ахборотни эълон қилади.

Банк фаолияти натижалари ойлик, чорақлик ва йиллик бухгалтерия балансларида, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда, шунингдек Марказий банкка у томонидан белгиланган муддатларда тақдим этиладиган йиллик ҳисоботда акс эттирилади.

Банк қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни, ҳисоботларнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган бошқа шаклларини эълон қилади.

Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари Банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

64. Банкнинг молиявий йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

65. Банк банк фаолияти давомида шаклланадиган ҳужжатларнинг лозим даражада ҳисобга олиниши, сақланиши ва ундан фойдаланилишини таъминлайди.

Банк қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддат мобайнида ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди.

Банк ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда ва муддатларда ўз идоравий архивида сақлаши шарт.

Х-БОБ. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

66. Банкда банкнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Банкнинг ички аудит хизмати банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, мазкур Уставга ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали банкнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

67. Аудиторлик ташкилоти банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда банк молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун банк олдида жавобгар бўлади.

68. Банкда банкнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи банк корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади. Банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

69. Банклар молиявий ҳисоботларни, банклар гуруҳининг асосий банки консолидациялашган молиявий ҳисоботларни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлик ташкилоти тасдиқлаганидан кейин Марказий банк томонидан белгиланадиган шаклда эълон қилади.

Банклар ўз маблағларига, капиталга доир талабларнинг бажарилишига, ликвидликка, таваккалчиликларнинг қийматига ва бошқа муҳим кўрсаткичларга (нормативларга) доир ахборотни ошкор этиши керак.

70. Марказий банк қуйидаги ҳолларда банкдан зудлик билан зарур чоралар кўришни талаб қилишга ҳақли:

банкнинг фаолияти банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаганда;

банк томонидан кейинги ўн икки ой давомида банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши эҳтимоли тўғрисида Марказий банкнинг мулоҳазаларига асосланган ахборот мавжуд бўлганда;

Марказий банк томонидан банкнинг фаолиятига ва (ёки) ахборот хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи таваккалчиликлар аниқланганда.

XI-БОБ. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ

71. Банкни қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари ҳисобга олинган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг рухсати билан амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш Марказий банкнинг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай банк ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади. Кредитор банкдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

кўшиб юбориш, кўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш Банк томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай;

бўлиш ёки ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш банк томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан 60 кундан кечиктирмай.

Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган банкнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган банкнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар жавобгар бўлади.

72. Банк қайта ташкил этилганда:

- ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг ҳуқуқий ворисига ўтади;
- Уставга ва кредит уюшмаларини давлат рўйхатига олиш китобига тегишли ўзгаришлар киритилади;
- сақлаш муддати тугамаган ҳужжатлар тегишли тартибда унинг ҳуқуқий ворисига топширилади.

73. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда ёки суд қарори мавжуд бўлганда) шаклда амалга оширилиши мумкин.

74. Банкнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда банк фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

75. Банкни тугатиш комиссияси Марказий банк томонидан тайинланади.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан банк ишларини бошқариш бўйича, шу жумладан банк акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқаруви ваколатлари ушбу комиссияга ўтади.

76. Тугатиш комиссияси:

- банкнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради (ушбу муддат 2 ойдан кам бўлмаслиги лозим);
- кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чоратadbирларини кўради, шунингдек кредиторларни банкнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Кредиторларнинг талаб қўйиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган банк мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

77. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади, тугатиш баланси банк акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Марказий банк билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Тугатилаётган банкнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида белгиланган тартибда тақсимланади.

78. Банк тугатилганидан сўнг унинг архиви, шу жумладан тугатиш комиссиясининг операциялари бўйича ҳужжатлар, тугатувчи томонидан банк жойлашган жойдаги давлат архивига белгиланган тартибда топширилади.

Бошқарув раиси

 **А.А. Муратов**

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент ш. А.Навобий кўчаси, 18 А

2023 йил 28 сентябрь, соат 11:00

54-сонли БАЁННОМА

Жойлаштирилган акциялар сони **15 557 065 844** донани, шундан овоз бериш ҳуқуқига эга акциялар сони **15 548 065 844** донани ташкил қилади.

Умумий йиғилишда қатнашган акциядорларнинг акциялари сони **15 298 325 472** донани ёки жами жойлаштирилган акцияларнинг **98,39** фоизини ташкил қилади.

Ташкилий масалалар:

Санок комиссиясининг 2023 йил 28-сентябрдаги 3-сонли мажлис баёнига асосан банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси У.М. Охунжонов мажлисда қворум мавжудлигини қайд этиб, акциядорларнинг умумий йиғилишини бошлаш учун ваколатли эканлигини маълум қилди.

Умумий йиғилишда
катнашдилар:

Кузатув кенгаши аъзоси – У.М. Охунжонов,
Бошқарув аъзолари, банкнинг таркибий
тузилма бошлиқлари

Умумий йиғилишга
таклиф қилинганлар:

Банк акциядорларининг вакиллари

Мажлис кун тартиби:

1. Акциядорларнинг наватдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш
2. Банк номини ўзгартириш ҳамда уставини тасдиқлаш тўғрисида
3. Банкнинг “Банк акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги”, “Банк Кузатув кенгаши тўғрисидаги” ва “Банк Бошқаруви тўғрисидаги” Низомларни тасдиқлаш тўғрисида
4. Банкнинг янги таркибий тузилмасини қайта кўриб чиқиш

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Кузатув кенгаши аъзолари, Банк акциядорлари

Банк акциядорлари томонидан акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш регламенти ва кун тартибини тасдиқлаш масалалари бўйича таклифлар киритилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан банк акциядорларининг фикр-мулоҳазаларига мувофиқ



УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Ишчи Президиумга банк Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси У.М. Охунжонов томонидан раислик қилиниши ва мажлис котиблигини Ижро назорати бошқармаси бошлиғи А.Ш. Абдуллаев томонидан олиб борилишига розилик берилсин.

3. Мажлисининг ўтказилишини таклиф этилган тартибда ташкил этилишига ва мажлис кун тартибининг ўзгартиришларсиз, олдиндан эълон қилинган тартибда қолдирилишига розилик берилсин.

Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди:

Тарафдорлар:
15 298 325 472 та овоз

Қаршилар:
Йўқ

Бетарафлар:
Йўқ

2. Банк номини ўзгартириш ҳамда уставини тасдиқлаш тўғрисида

А.Муратов ва Кузатув кенгаши аъзолари

Жорий йилнинг 18-август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан ўтказган очик мулоқоти доирасида тадбиркорлардан келиб тушган мурожаатларда кўтарилган муаммоларнинг ечимига қаратилган тизимли таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш ва очик мулоқотда белгиланган устувор вазифаларни бажариш, шунингдек, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича “узлуксиз хизматлар занжири”ни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон ва 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сон қарорлари эълон қилинди.

Ушбу қарорларда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатиш, кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси ва бизнесга қўмаклашиш марказлар фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, бошқаришда иштирок этиш, молиявий таъминлаш мақсадида “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки негизида “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш белгиланди.

Қарорда янги ташкил этилган “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг бир қатор янги асосий вазифалари белгиланиши ҳамда янги банкнинг устав капиталини 2023 йил 1 октябрдан 2024 йил якунига қадар босқичма-босқич 3 триллион сўмга етказиш кўзда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, банкнинг амалдаги Уставини юқорида қайд қилинган қарор талаблардан келиб чиқиб ўзгартириш мақсадида унинг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Умумий йиғилиш акциядорларининг кун тартибидаги мазкур масала юзасидан билдирган таклифлари асосида,

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик



мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон ва 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сон қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Банк Кузатув Кенгаши ва Бошқаруви томонидан банкнинг номини ўзгартириш ва Уставини тасдиқлаш зарурияти юзасидан берилган ахборот ва таклифлар маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки негизида “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сон ва 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон қарорларига мувофиқ Бизнесни ривожлантириш банки мулкӣ, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Акциядорлик тижорат банки “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг Устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Банкнинг Устави қабул қилиниши муносабати билан банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2020 йил 10 июлдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган банк Устави ҳамда 2022 йил 19 августдаги 51-сонли ва 2023 йил 26 июндаги 53-сонли қарорлар билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар бекор қилинсин.

6. Банк Бошқаруви (А.Муратов) зиммасига банкнинг Уставини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларнинг зарур пакетини тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди:

Тарафдорлар:
15 298 325 472 та овоз

Қаршилар:
йўқ

Бетарафлар:
йўқ

3. Банкнинг “Банк акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги”, “Банк Кузатув кенгаши тўғрисидаги” ва “Банк Бошқаруви тўғрисидаги” Низомларни тасдиқлаш тўғрисида

А.Муратов ва Кузатув кенгаши аъзолари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон қарорига кўра “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки негизида “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сон қарорига кўра, “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди.

Шу асосда, Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва банк Бошқаруви ваколатлари ва вазифаларига ўзгартиришлар киритилди.



Юқоридагилардан келиб чиқиб, АТБ “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисида, Кузатув кенгаши тўғрисида ва Бошқаруви тўғрисида Низомлар ишлаб чиқилди.

Банк акциядорлари, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви олдида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон, 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сон қарорлари билан юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ва кун тартибидаги масала юзасидан бошқа билдирилган таклифлар асосида,

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ушбу масала юзасидан банк Бошқаруви раиси А.Муратовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

АТБ “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисида Низом 3-иловага;

АТБ “Бизнесни ривожлантириш банки” Кузатув кенгаши тўғрисида Низом 4-иловага;

АТБ “Бизнесни ривожлантириш банки” Бошқаруви тўғрисида Низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур ички меъёрий ҳужжатлар амалга киритилиши муносабати билан банк акциядорларининг 2020 йил 10 июлдаги навбатдан ташқари 44-сонли Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган:

Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк”нинг акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисида Низом;

Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Кузатув кенгаши тўғрисида Низом;

Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Бошқаруви тўғрисида Низом бекор қилинсин.

4. Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви зиммаларига банк фаолиятини юритиш ва уни бошқаришда амалга киритилган Низомлар асосида иш ташкил қилиш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди:

Тарафдорлар:
15 298 325 472 та овоз

Қаршилар:
йўқ

Бетарафлар:
Йўқ

4. Банкнинг янги таркибий тузилмасини қайта кўриб чиқиш

А.Муратов ва Кузатув кенгаши аъзолари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон қарорига кўра “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки негизида “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.



Бизнесни ривожлантириш банки ҳузурида халқаро молия институтларининг маблағлари ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали истикболли кичик бизнес лойиҳаларини амалга оширадиган “Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси” масъулияти чекланган жамияти ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларига бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва илгари туширишга қўмаклашиш, уларга консалтинг хизматлари кўрсатиш мақсади бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Бетароф ва Тошкент вилоятлари 14 та кичик бизнесга қўмаклашиш марказлари ташкил қилиш бўлимининг.

Банк акциядорлари, Кузатув кенгаши ва Бошқарув раиси У.Муратовнинг Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилидаги оқибат муносабатини белгилаш вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-391-сон, 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сон қарорлари билан юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида,

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ушбу масала юзасидан банк Бошқаруви раиси А.Муратовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкининг таркибий тузилмаси б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Банк тизимида қўйилган вазифа ва топшириқлар ижросини тўлақонли бажариш мақсадида келгусида банк таркибий тузилмасига тегишли ўзгартиришларни киритиб бориш, Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, блок раҳбарлари йўналишларини ўзаро ўзгартириб бориш ҳамда банкни устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда айрим таркибий тузилмаларни оптимallasштириш(қисқартириш) юзасидан банк Бошқарувида ваколат берилсин ҳамда якуний банк ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласини акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига кириш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

4. Банкнинг янги ташкилий тузилмаси амалга киритилиши муносабати билан банк Бошқаруви раиси А.Муратов зиммасига тасдиқланган ташкилий тузилма асосида банкнинг Марказий идораси ва ҳудудий бошқармалари ва бошқа таркибий тузилмалар штатлар жадвалини шакллантириб бориш ҳамда амалдаги Меҳнат қонунчилиги асосида ходимларни жойлаштириш вазифаси топширилсин.

Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди:

Тарафдорлар:
15 298 325 472 та овоз

Қаршилار:
йўқ

Бетарафлар:
йўқ

Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш банк Кузатув кенгаши ва банк Бошқаруви зиммаларига юклатилсин.

Раислик қилувчи

У.М. Охунжонов

Котиб

А.Ш. Абдуллаев

Умумий йиғилиш тузилган сана: “28” сентябрь 2023 йил



20₂₃ yil «28» _____
01.09.5575 _____-soni

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкига**

**“Бизнесни ривожлантириш банки” Акциядорлик тижорат банки
Уставини рўйхатдан ўтказиш ва лицензияни янгилаш тўғрисидаги
АРИЗА**

Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2023 йил 28 сентябрдаги 54-сон қарорига мувофиқ, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” негизда Акциядорлик тижорат банки “Бизнесни ривожлантириш банки” ташкил қилиниб, банк Уставини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юқоридагиларга асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг V-бўлим, 4-бобига асосан “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки Уставини рўйхатдан ўтказиш ва банкнинг лицензиясини янгилаб беришингизни сўрайди.

Илова:

1. АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг баённомаси (уч нусхада);
2. Банк устави (уч нусхада).

Кузатув кенгаши аъзоси



У.М. Охунжонов